



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бешариқ тумани Ватан МФЙ Боғи шамол, Наврўз кўчалари ҳудудида яшовчи 355 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Бешариқ тумани Ватан МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 35 м³ ҳисобланиб, **уланиш нуктаси.1** Ватан МФЙ ҳудудидаги Боғи шамол, Наврўз кўчалари ҳудудига 2.0 км. Д-76 мм.ли полиэтилен қувурда ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиҳа қувватидан келиб чиқиб, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуктаси.2 Ватан МФЙ Боғи шамол, Наврўз кўчалари ҳудудидаги мавжуд калодец дан (қувур материали-поэлетилен,чугун,темир,азбец) бўлган диаметри Ø(76-300) атмосфера босими 0.4 АТМ қувурдан лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 2.0 км бўлган ичимлик сув қузури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМК ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан ҳулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Бешариқ
Туман бўлими раҳбари:

У.Тошқўзиев

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Бешариқ
Туман бўлими бош муҳандиси в.в.б:

А.Жалилов

